

Эксперимент тергов ҳаракатининг хусусиятлари

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида келтирилган ўн тўртта мустақил тергов ҳаракатларидан бири бу - экспериментдир.

Эксперимент лотинча «experimentum» сўзидан олинган бўлиб, «синаб кўриш», «тажриба» деган маъноларни билдиради.

Жиноят-процессуал кодексининг 153-моддасига мувофиқ, суриштирувчи, терговчи ва суд гувоҳлар, жабрланувчилар, гумон қилинувчилар, айбланувчилар, судланувчиларнинг кўрсатувларини, бошқа далилларни, шунингдек иш юзасидан қилинган тусмол, текширилаётган ҳодисага оид муайян ҳаракатлар, шароит ва ҳолатларни тиклаш ҳамда зарурий тажрибалар ўтказиш орқали текширишга ҳақлидир.

Маълумки, эксперимент бирор ҳодисани идрок қилиш, муайян ҳаракатларни бажариш, бирор ҳодисанинг содир бўлиш имкониятини текшириш, шунингдек ҳодисанинг юз бериш ва изларнинг қолиш йўсинларини аниқлаш учун ўтказилади.

Эксперимент - ҳуқуқбузарликнинг бошланиши, унинг содир этилиши ёки ҳатто идрок қилиниши имконияти текширилганда шароит, хатти-ҳаракат ва у ёки бу воқеанинг бошқа ҳолатларини қайта тиклаш орқали жиноят иши учун аҳамиятга эга бўлган маълумотларни текшириш ва аниқлаштириш мақсадида ўтказиладиган тергов ҳаракатидир. Моҳиятига кўра, бу тажрибада тергов қилинаётган воқеанинг текширилаётган қилмиш ва шахсга имкон борича яқинлаштирилган ҳолатини сунъий қайта тиклашдир; у ўзларининг у ёки бу сифат ва хусусиятларини намоён қилиши лозим бўладиган экспериментда фойдаланилаётган моддий объектларга ҳам, шароитларга ҳам дахлдордир.

Юқорида кўриб чиқилганларнинг аксарияти тергов эксперимента сирасига ҳам киради. Бунда энг мураккаби иштирокчиларни танлаш ҳисобланади. Одатда, экспериментни ўтказишга жуда кўп шахслар жалб қилинади. Экспериментда терговчи ва холислардан ташқари, айбланувчи (гумон қилинувчи), жабрланувчи, гувоҳ, турли соҳаларнинг экспертлари, шунингдек терговчининг ёрдамчилари ҳамда у ёки бу тажриба ҳаракатларини амалий бажаришга ёрдам берувчи техник ходимлар иштирок этиши мумкин.

Идрок қилиш устида ўтказиладиган экспериментда психологик жиҳат айниқса муҳимдир, чунки воқелик ҳиссий образининг шакл-

лантирилиши ва ҳаракат қилиши жараёни сифатида идрок қилиш функционал, оператив ҳамда мотивацион каби турли ҳосилаларнинг мураккаб бирикувидир. Идрок қилиш устида ўтказиладиган экспериментларнинг натижалари кўрсатувлари текшириладиган шахснинг умумий субъектив хусусиятлари (имкониятлари)га ҳам, унинг организмнинг эксперимент ўтказиш пайтидаги психофизиологик ҳолатига ҳам боғлиқ бўлади.

Инсоннинг ҳис қилиш олдидagi индивидуал хусусиятлари қисман туғма, қисман эса ҳаёти, ишлаб чиқариш ва бошқа фаолияти жараёнида эгалланган бўлади. Бунинг устига, бу ерда психофизиологик меъёрнинг бузилиши (нормадан четга чиқиш) баъзан жуда муҳим аҳамиятга эга бўлади (масалан, кўмир қазиб олишга ихтисослашган кончилар қора рангнинг етмишдан ортиқ нозик турларини ажратадилар). Ранг ажратиш тўқимачиларда, пўлат қуювчиларда ва бошқа мутахассисларда ҳайратланарли даражага етади.

Маълумки, 18% га яқин эркаклар рангни ҳис қилиш нуқсонидан азият чекадилар; уларнинг аксарияти ўзларининг бу хусусиятидан шубҳа ҳам қилмайдилар. Сўроқ қилиш пайтида улар рангларни ажратишда мутлақо чин юракдан адашишлари мумкин. Тергов экспериментини ўтказиш жараёнида эса уларнинг зиддиятли кўрсатувлари сабабини анча тез аниқлаш ва шу йўл билан жиноят ишига аниқлик киритиш мумкин.

Тергов амалиёти шуни кўрсатадики, гумон қилинувчилар, айбланувчилар, жабрланувчилар учун жой (макон)ни идрок қилишни ва жойни тасаввур қилишни эксперимент орқали текшириш анча мураккабдир. Бу турдаги экспериментларнинг мураккаблигига, кўпинча, уларнинг психофизиологик ҳолати эмас, балки бир қатор шахсларда жой (макон)ни идрок қилишнинг туғма ёки ирсий юзага келган табиати сабаб бўлади.

Шунингдек, нафақат маконни, балки замонни идрок қилиш ҳам тизимли эканлигини назарда тутиш лозим. Худди макон каби, у ҳам турли анализаторлар жамулжами билан биргаликда идрок қилинади. Айнан шу терговчининг зиммасига айбланувчининг макон ва замон ҳақидаги тасаввурларини баҳолашда, шунингдек унинг кўрсатувларини эксперимент орқали текширишда нафақат, дейлик, кўриш ёки эшитиш қобилиятини, балки барча сезги органларининг ҳолатини ҳисобга олишни юклайди.

Тергов ҳаракатларини ўтказиш айбланувчини унинг натижасида жиноят содир этилган пайтдаги ўша ҳаракатлар, шароит ҳамда у орқали жиноят содир этилган воситалар (асбоблар, мосламалар ва бошқ.)ни

қайта тиклаш заруратига ички ишонч ҳосил қилиши мумкин бўлган психологик жиҳатдан пухта тайёрлашни талаб этади.

Шуни таъкидлаш жоизки, бугунги кунда эксперимент тергов ҳаракати бошқа тергов ҳаракатига қараганда энг кам ўтказилаётганлигини кўришимиз мумкин. Шу масалада 2016 йилнинг июль ойида Тошкент шаҳар Яккасарой тумани тергов бўлими терговчиларининг фикри ўрганилди. Терговчиларга «Эксперимент тергов ҳаракати кам ўтказилишининг сабаби нимада?» деган савол берилди. Сўров натижаларига кўра терговчиларнинг:

63 % эксперимент тергов ҳаракатини ўтказишга кам ҳожат туғилади. Аниқроқ айтганда, ушбу тергов ҳаракатини ўтказиш лозим бўлган ҳолатларнинг ўзи кам учрашини таъкидладилар;

28 % жиноят ишини тугатиб, судга юбориш учун жиноят иши бўйича бошқа тергов ҳаракатлари орқали тўпланган далиллар етарли бўлиб қолади. Шу сабабли ушбу ҳаракатни ўтказишга ҳожат қолмаслигини билдирдилар;

9 % эксперимент тергов ҳаракатлари ўтказиш кўп вақтини талаб этиши, баъзан кўпроқ ёрдамчи иштирокчиларни жалб этиш эҳтиёжи, шунингдек ҳолатни қайта тиклаш ва бошқа айрим нарсалар учун кўпроқ молиявий харажатларни талаб этиши сабабли мазкур тергов ҳаракати кам ўтказилишини билдириб ўтган.

Хулоса қилиб айтганда, ҳозирги замон талабларига жавоб бера олмайдиган ва эскириб қолган қонунларимиз ҳамда бошқа норматив ҳужжатларимизни замон руҳига мослигини кўриб чиқиб, илғор чет эл тажрибалари ва миллийлигимиз асосида модернизация ва ислоҳ қилишимиз бугунги куннинг талабидир.

Адабиётлар рўйхати:

1. Югай, Людмила. "Судебно-экспертная деятельность в Республике Узбекистан в эпоху цифровизации." Современные тенденции развития цифровизации в сфере юстиции 1.1 (2022): 35-40.
2. Югай, Л. Ю. "НЕГОСУДАРСТВЕННАЯ СУДЕБНО-ЭКСПЕРТНАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН: СТАНОВЛЕНИЕ И РАЗВИТИЕ." Актуальные проблемы борьбы с преступлениями и иными правонарушениями 20-1 (2020): 74-76.
3. Югай, Л. Ю. "Биометрическая идентификация личности по изображению лица человека: опыт Республики Узбекистан." (2023).